Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · "Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnol... DOI: 10.5281/zenodo.24318540

materiallar to'plami

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРУВЧИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Очилов Азимжон Тухтамишович подполковник
Навои вилояти ИИБ бошқармаси ходими

Калит сузлар: *Коррупция, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, корупцион холатлар, қонун устуворлиги, қарши курашиш менежменти, манфаатлар тўқнашувини, порахўрлик.*

Annatatsiya: *Коррупция – ҳар қандай мамлакатнинг миллий давлатчилик асослари, сиёсий ва иқтисодий барқарорлигига жиддий хавф солади, фуқароларнинг ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва давлат органларига бўлган ишончини сусайтиради. Шу боис ҳам коррупцияга қарши курашиш ва мазкур фаолиятни доимий асосда давом эттириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, хусусан, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.*

STATE BODIES DIRECTLY IMPLEMENTING THE ACTIVITY OF THE FIGHT AGAINST CORRUPTION AND THEIR MAIN DUTIESOchilov

Azimjon Tukhtamishovich lieutenant colonel
An employee of the Ministry of Internal Affairs of Navoi region

Key words: *Corruption, judicial reforms, corrupt situations, rule of law, counter management, conflict of interest, bribery.*

Abstract: *Corruption seriously threatens the foundations of national statehood, political and economic stability of any country, weakens citizens' confidence in social justice, the rule of law, and state bodies. Therefore, fighting against corruption and continuing this activity on a permanent basis remains one of the important directions of the reforms implemented in our country, particularly judicial reforms.*

Коррупцияга қарши курашиши бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунида аниқ қилиб белгилаб берилган. Ушбу органлар томонидан уларга хос бўлган тезкор-профилактик тадбирлар ва воситаларини қўллаш орқали коррупцияга қарши кураш чораларнинг умумий тизимидаги комплекс ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифалари амалга оширилади.

Хусусан, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Published: 10.11.2023

Cite this article: Очилов Азимжон Тухтамишович (2023). Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг асосий вазифалари. Emro Science and Education, 1(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24318540

© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилган. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахслар давлат ҳимоясида бўлади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни таъқиб қилиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Мазкур қоида била туриб ёлғон ахборот берган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасдан, улар қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар манфаатдор шахснинг аризасига кўра ваколатли давлат органи, бошқа ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан бекор қилиниши ёхуд ўзгартирилиши ёки суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги натижасида қабул қилинган қарор бекор қилинган, ўзгартирилган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, унинг қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши лозим.

Коррупциянинг ҳолатини, хусусиятини, миқёсларини, ўзгаришларини ва тенденцияларини, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиши самарадорлигини ўрганиш давлат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек фуқаролар билан ҳамкорликда социологик, махсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ўтказиш йўли билан доимий амалга оширилади.

Социологик тадқиқотлар коррупцияга энг кўп дучор бўлган тармоқлар ва соҳаларни, унинг юзага келиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, шунингдек мазкур фаолиятга жалб этилган ижтимоий гуруҳларни аниқлаш мақсадида социологик сўровлар ўтказиш ва бошқа усуллардан фойдаланиш йўли билан жамоатчилик фикрини тизимли ўрганишни ўз ичига олади.

Мазкур тадқиқотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолияти натижаларини, коррупцияга оид жиноятчиликнинг ҳолатини, коррупция кўрсаткичларининг

статистика ҳисобини мунтазам равишда тизимли таҳлил қилишни, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг хусусияти ва миқёсларини, ўзгаришлари ва тенденцияларини ўрганишни ўз ичига олади.

Илмий тадқиқотлар коррупцияга қарши курашиш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишни, илмий услубиётлар ва тавсиялар ишлаб чиқишни, уларни амалиётга оқилона жорий этишни, коррупцияга қарши курашишда қўлланилаётган шакллар ва усуллар самарадорлигини прогноз қилиш ҳамда илмий таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Давлат коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тадқиқотларни қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз лозимки, коррупцияга қарши курашиш – қонунчиликни такомиллаштиришни, коррупциянинг олдини олиш бўйича комплекс чораларни амалга оширишни, иш фаолиятимизни янада демократлаштириш ва либераллаштиришни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашнинг ишончли механизмларини шакллантиришни тақозо этади. Бу эса халқ, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органларининг ҳамкорлигини, шаффофлигини ва очиқлигини таъминлаш орқали Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини янада ривожлантирилишига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.М. Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 48.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2018. – 76 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2018.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5050-сон қарори // www.lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони // www.lex.uz.

6. М.Х. Рустамбаев. Жиноят кодексига шарҳлар. (Махсус қисм) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири 1-даражали адлия маслаҳатчиси Б.Мустафоевнинг умумий таҳрири остида. Т.: “ИЛМ ЗИЁ”., 2006.

7. О.Т.Шорустамов, Б.М.Ибрагимов. О некоторых аспектах исследования проблем коррупции. Тошкент. 2002. «ВШ стратегического анализа и прогнозирования РУз».